2013 йил 6 ноябрь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 217 (12.528)

Баҳоси эркин нархда




## ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ ДАРОМАДЛИ

***Касаначилик ўзининг кўплаб қулай томонларига эга. Иш вақтининг мослашувчанлиги, яъни бўш вақтда қўшимча иш билан шуғулланиш имкониятининг ўзи соҳага аҳолининг кенг қатламларини, айниқса, хотин-қизларни фаол жалб этиш учун йўл очади. Маҳаллий шароитдан келиб чиқилса, оилада фақат фарзанд тарбияси билан банд аёлларимиз кам эмас. Уларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш, оиласининг моддий аҳволини янада яхшилаш учун имкон бериш, муҳими, меҳнат ҳуқуқининг кафолатланиши талай иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг барҳам топиши учун замин яратади.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида бу жараён қонунлаштирилди. Ҳужжатга биноан, касаначиларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиб, уларга шарт-шароит яратган корхоналар учун қатор солиқ имтиёзлари берилган.

Учтепа туманидаги «Азиз-Амир-Сервис» масъулияти чекланган жамияти фаолиятида ҳам касаначилик муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркор Дилшода Юлдашева тикувчилик, хусусан турли ўлчамдаги полиэтилен қоплар тикиш билан шуғулланиб келмоқда. Аввалига бўш вақтларида фарзандлари билан шуғулланган бўлса, кейинчалик қўшни қиз-жувонларни унга жалб этди.

— Инсон изланса, меҳнат қилса, кам бўлмайди, - дейди Дилшода опа. - Болаларим менга қарашиб юриб меҳнатсевар бўлиб вояга етди. Шу касбим туфайли тўртта фарзандимни кам қилмай катта қилдим. Ҳамманинг ҳам давлат корхонасида ишлаш учун малакаси етишмаслиги мумкин. Бундай кишиларга шароит яратиб, иш билан таъминлаш нафақат уларнинг ўзлари учун, балки жамият учун ҳам кони фойда.

Зарифа опа ишлаб чиқараётган бежирим маҳсулотларга талаб катта. «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг туман босқичида «Энг яхши тадбиркор аёл» деб топилгани ҳам бежиз эмас.

Шакар, ун, макарон каби озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш учун зарур ашёлар солишда қўлланилаётган бундай қопларга талаб кун сайин ортмоқда. Талабга яраша фаолиятини кенгайтираётган ишбилармон аёл оила аъзоларидан ташқари 12 кишини иш билан таъминлаган. Улар меҳнат дафтарчасига эга бўлиб, пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинланиши ҳуқуқидан ҳам тўла фойдаланади.

Бундай ҳунармандлар билан йирик корхоналар ўртасида кооперациянинг йўлга қўйилиши ўша корхоналарнинг янада равнақ топишида муҳим омил бўлади. Мазкур корхона ҳам Тошкент қопсавдо, «Металлмонтажсавдоинвест» каби корхоналар билан хомашё борасида ҳамкорлик қилаётир. Корхонадаги замонавий бичув ускунаси ёрдамида турли ўлчамда бичилган маҳсулотлар касаначига етказиб берилмоқда. Касаначиларнинг ҳар бири кунига ўртача минг донадан ортиқ қопларни тикиб беришмоқда.

— Илгари уйимдан анча олисдаги корхонада ишлардим, — дейди касаначилардан бири Умида Азизова. — Вақтим ва маблағимнинг асосий қисми йўлга сарфланар эди. Ҳозир мазкур корхонада касаначилик асосида меҳнат қиляпман. Бу иш менга ҳар жиҳатдан маъқул. Рўзғор юмушларига ҳам, болалар тарбиясига ҳам вақт топяпман. Буюртмалар ҳам ўз вақтида бажариляпти.

Касаначилар билан кооперацияни йўлга қўйган корхоналарда бугунги кунда меҳнат унумдорлиги янада ошганини кузатиш мумкин. Бу эса бозорларимизни хилма-хил маҳсулот билан тўлдириш, аҳоли эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

— Жорий йилда корхонамизга 100 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди, — дейди «Азиз-Амир-Сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилшода Юлдашева. — Мазкур маблағ эвазига янги, замонавий тикув машиналари харид қилиш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Демакки, келгусида фаолиятимиз янада кенгайиб, ишчилар сони ортади.

**Ҳилола ВОҲИДОВА**

***Япониянинг Ураясу шаҳри Халқаро марказида (Чиба префектураси) Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда «Япония – Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси, Чиба префектурасининг Халқаро дўстлик ассоциацияси ва Маданий алмашувлар кенгаши вакиллари, шунингдек, олимлар, жамоатчилик фаоллари ҳамда журналистлар ҳозир бўлдилар.***

## ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Мамлакатимиз маданияти кунлари доирасида ташкил этилган кўргазмада адрас ва хон атласдан тикилган миллий либослар, сўзаналар, кулолчилик ҳамда халқ амалий санъатининг ранг-баранг маҳсулотлари намойиш этилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик имкониятлари, мамлакатимизда «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ҳаётга тадбиқ этилишига оид ахборот материаллари ҳам кўргазма меҳмонларининг эътиборига ҳавола қилинди. Мухтасар қилиб айтганда, тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг бой маданий-маънавий мероси, сайёҳлик марказлари ҳамда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислоҳотларга оид маълумотлар билан атрофлича танишдилар.

**Ураясу Халқаро дўстлик ассоциациясининг вице-президенти Шигеки Коши** мамлакатимиз хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистон аллақачон сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришгани баробарида дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш асносида салмоқли муваффақиятларни қўлга киритганини қайд этди.

— Улкан табиий ресурсларга, иқтисодий ва кадрлар салоҳиятига эга бўлган мамлакатингиз минтақада тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватламоқда, — деди у.

**Ураясу шаҳри Халқаро марказининг раҳбари Рико Фужимацу** кўргазмада япон жамоатчилигининг эътиборига ҳавола қилинган маҳсулотлар хусусида тўхталар экан, ўзбек ҳунармандларининг маҳоратига юксак баҳо берди. Унинг эътироф этишича, Ўзбекистон бағрида жойлашган тарихий меъморий ёдгорликлар бутун дунёга машҳур бўлгани боис ушбу кўргазма иши билан танишган кўпгина японияликлар юртимиз ҳамда халқимизнинг кўҳна маданияти ва санъати билан янада яқиндан танишиш учун Ўзбекистонга бориш истагини билдиришди.

— Япония ва Ўзбекистонни кўп асрлик ҳамкорлик ва гуманитар алмашувлар ришталари боғлаб туради, — деди Рико Фужимацу. — Японлар меҳнаткаш ўзбек халқига ҳурмат билан қарашади. Мен Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳада эришган муваффақиятларидан таъсирландим. «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг изчил ҳаётга тадбиқ этилаётгани аҳоли фаровонлигини таъминлаш масаласига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

**Тинчлик ва хавфсизлик институти тадқиқотчиси Хачиро Токуда** ўзбек ва япон халқларининг ўзига хос маданияти, кўҳна анъаналари ва менталитетида маънан яқинлик мавжуд эканлигини таъкидлади.

— Биз ҳам Самарқанд, Бухоро, Хива ва Буюк Ипак йўлининг бошқа шаҳарларидаги ноёб меъморий осори атиқалардан завқланамиз, — деди у. — Ишончим комилки, бўлиб ўтган тадбир Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алмашувлар ҳамда дўстона алоқаларни янада чуқурлаштиришга кўмаклашади.

**«Жаҳон» АА**
**Токио**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Жиззах шаҳрида «Шу азиз Ватан барчамизники!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда фаол ёшлар иштирок этди.**

● **Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Алфа» хусусий корхонаси иш бошлади. Ойига олти минг дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонанинг ишга туширилиши билан 15 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг самарали ишлашлари учун барча шароит яратилган.**

● **Зулфия номидаги Давлат мукофоти танлови мамлакатимизда кўплаб ёш истеъдод ва иқтидор соҳибаларини юзага чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Танловнинг Андижон вилояти босқичида адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича 185 нафар иштирокчи ўз салоҳияти ва маҳоратини намойиш этди.**

● **Фарғонада Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва мустақиллигини таъминлаш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожида уларнинг ўрни ва ролини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Унда ҳунарманд ва тадбиркорларнинг ижодий кўргазмаси ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

● **Таиланднинг Паттайя шаҳри соҳиллари яқинида йўловчи пароми ҳалокатга учради, дейилади маҳаллий «Thairath» газетаси хабарида. Натижада олти киши ҳаётдан кўз юмган, юз нафардан ортиқ одам жароҳатланган, 20 киши эса бедарак йўқолган. Воқеа юз берган вақтда сув транспортида 200 киши бўлгани айтилмоқда.**

● **АҚШлик 27 ёшли автоҳаваскор Эд Болиан мамлакатнинг шарқий соҳилидан ғарбий соҳилигача бўлган 4527 километр масофани қарийб 29 соатда босиб ўтиб, янги рекорд ўрнатди. «Mercedes CL 55» русумидаги автоуловни бошқарган Эд ўртача 156 километр-соат тезлик билан ҳаракатланган. Йўлда у уч марта ёнилғи қуйиш шохобчасида тўхтаган.**

● **Канаданинг Монреаль шаҳридаги халқаро аэропортда Касабланка (Марокаш)дан учиб келган самолёт қўниш вақтида ёниб кетди. Фожиа юз берган вақтда «Royal Air Maroc» авиакомпаниясига тегишли ушбу лайнер бортида 258 нафар йўловчи бўлган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида уларнинг ҳаёти сақлаб қолинган.**

● **Фармацевтика соҳасида фаолият олиб борувчи АҚШнинг «Johnson & Johnson» компанияси 2,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида жаримага тортилди. Бунга мазкур корхона томонидан болалар, кекса кишилар ва ногиронларга мўлжалланган кучли таъсир қилувчи психиатрик дори воситалари сотиб келингани сабаб бўлди.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЕВРОПА ТАЪЛИМИ КУНЛАРИ

***Тошкентда Ўзбекистонда Европа таълими кунларининг ўтказилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил қилинди.***

2013 йилнинг 11 ноябридан 15 ноябригача ўтказиладиган Ўзбекистонда Европа таълими кунлари доирасида «Европа Иттифоқидаги таълим» таълимий кўргазмаси, мамлакатимиз университетларида «Эразмус Мундус» стипендиал дастур тақдимотлари ва ушбу дастур битирувчилари учун давра суҳбати бўлиб ўтади.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Ю.Штерк, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Т.Низомов ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига кўра 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрли шахсларни тарбиялашда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур соҳада самарали халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши таълимнинг миллий модели малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилганлигидан далолат беради. Ўзбек ёшлари нафақат мамлакатимиз таълим даргоҳларида, балки хорижий ўқув юртларида ҳам ўз билимини ошириш, замонавий ахборот технологияларини чуқур ўзлаштириш, замон талаблари даражасида таълим олиш имкониятига эга.

Ўзбекистон ва Европа олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик «Темпус» дастури доирасида амалга оширилмоқда, у ўз навбатида яна бир дастур – «Эразмус Мундус» фаолиятига замин яратди. Мамлакатимизнинг 55 дан зиёд олий ўқув юрти талабалар ва ўқитувчилар мобиллигини қўллаб-қувватлаш бўйича олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорликнинг узоқ муддатли лойиҳаларида иштирок этмоқда. Бу эса Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Оила тушунчаси ёшлар нигоҳида» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги 197-умумтаълим мактаби ўқувчиларига «Гиёҳвандлик — умр заволи» номли фильм намойиш этилди.

✓ **ЭРТАГА** пойтахтимиздаги «Сиҳатгоҳ» санаторийсида «Экологик номақбул ҳудуддаги экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштиришни таъминлаш масалалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилади.

# ЭРКИН САВДО ЗОНАСИ — КЕНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАР МАКОНИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.***

Мамлакатимизнинг Ҳамдўстлик давлатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда. Ижтимоий ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг Минск шаҳрида бўлган мажлисида сўзлаган нутқида Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида амалдаги савдо режимига салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш масаласига эътиборни қаратди. Бунда товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланмоқда. Саноат корхоналарининг модернизация қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар жорий этилаётгани самарасида жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг маҳсулотларини экспорт қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ ташкил этилган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси хориж бозорларидаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш орқали юртимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш, экспорт операцияларини амалга оширишга кўмаклашади.

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилган, экспорт қилувчи корхоналар учун бир қатор имтиёз ва афзалликлар берилган. Хусусан, экспорт қилувчи корхоналарнинг фойда ва мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда – 30 фоизга, экспорт улуши 30 фоиз ва ундан кўпроқ бўлганда – 2 маротаба камайтирилган.

Бу борадаги ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизга, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 15,9, чакана савдо айланмаси 14,7 фоизга ошди. Импорт ўрнини босиш самарадорлиги 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди, рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида 469 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 51,2 фоизга, экспортдаги улуши 19,1 фоизга ўсди. Улар томонидан қиймати 625,5 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди ва бу умумий биржа айланмаси ҳажмининг 12,1 фоизини ташкил қилди.

Жорий йилнинг март-июнь ойларида бўлиб ўтган халқаро саноат ярмаркаларида иштирок этган 3 мингдан ортиқ корхоналаримиз 224,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт шартномалари имзолади. Шу кунларда пойтахтимизда давом этаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида дунёнинг 55 мамлакати, жумладан, МДҲ давлатларининг компания ва фирмалари вакиллари иштирок этмоқда.

МДҲ давлатлари бозори юртимиз ишбилармонлари учун ҳар томонлама, айниқса, географик ва логистика жиҳатидан қулай. Рақамларга эътибор берсак, МДҲ давлатларининг мамлакатимиз умумий экспорт ҳажмидаги улуши 2008 йилда 34,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг 9 ойида қарийб 40 фоизга етган.

Эркин савдо зонаси мамлакатимизда саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда муҳим роль ўйнайдиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбиркорларимиздан эркин савдо зонаси имкониятларидан самарали фойдаланишни, ўз салоҳиятини тўла ишга солиб фаолият юритишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши мамлакатимиз тадбиркорлари учун янги имкониятлар яратади. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг изчил ривожланаётган бозори ва жадал ўсиб бораётган иқтисодиёти билан ушбу муҳим интеграция лойиҳасида иштирок этиши Шартноманинг барча қатнашчиларига катта фойда ва манфаат келтиради. Шу боис ушбу ташаббус мамлакатимиз тадбиркорларига янги куч, янги ғайрат бағишламоқда.

**Алишер ШАЙХОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси**
**(ЎзА)**

***Маълумки, Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бундай ғамхўрлик эса ўз самараларини бермоқда.***

# ЎЗБЕК ЁШ ИЖРОЧИЛАРИ БОКУ ХАЛҚАРО БОЛАЛАР АНЖУМАНИДА

Жумладан, мамлакатимизнинг ёш ижодий жамоалари турли халқаро мусиқа танловларида қатнашишлари ва аъло натижалар билан юртга қайтишлари одатий ҳолга айланган.

Яқинда Озарбойжон ёшлар ва спорт, маданият ва сайёҳлик вазирликлари ҳамда «Каинат» ёшлар ташкилоти кўмагида Бокуда ўтказилган Муғам V Халқаро болалар фестивалининг финал босқичида ўзбекистонлик ёш ижрочиларнинг иштироки ҳам муваффақиятли бўлди. Озарбойжон ҳукумати, ижтимоий-сиёсий доиралари, дипломатия корпуси вакиллари, таниқли санъат арбоблари ҳамда мусиқа ихлосмандлари ушбу халқаро анжуманнинг меҳмони бўлдилар.

Танловда Озарбойжон, Афғонистон, Миср, Эрон, Ироқ, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия, Ўзбекистон ва Туркманистондан 16 ёшгача бўлган 20 нафар ёш ижрочи иштирок этди. Кучли рақобат бўлишига қарамай, Ўзбекистон жамоаси мамлакатимизни муносиб равишда намоён этди. Мамлакатимиз ёш ижрочиларнинг чиқишлари танлов ҳайъатининг юқори баҳоларига ва томошабинларнинг гулдурос олқишларига сазовор бўлди.

Танлов натижалари эълон қилинганда Ўзбекистон вакилларининг номлари бир неча бор тилга олинди. Энг ёш ижрочи Дониёрбек Жасурбеков ёш ва талантли ижрочи номинацияси бўйича томошабинлар эътибори мукофоти ҳамда ҳайъатнинг махсус соврини билан тақдирланди. Самарқандлик ёш талант эгаси Рухсора Облоқулова эса озар халқининг мураккаб ашулаларидан бири – «Баёти Широз»ни маромига етказиб ижро қилгани учун халқаро танловнинг учинчи ўрнига ҳамда ҳайъатнинг махсус совринига муносиб топилди.

— Ёш талант эгалари тайёрлаб келган куй-қўшиқлар, уларнинг ўз чиқишлари билан тингловчи қалбига кириб боришга бўлган табиий ва самимий интилишлари танлов меҳмонларига олам-олам завқ-шавқ бағишлади, — дейди Боку давлат университетининг илмий ходими Саида Гулиева. – Танловнинг ҳар бир иштирокчиси ўз халқининг маданиятини муносиб равишда тақдим этди. Ўзбекистонлик ёш талант эгасининг Озарбойжон халқ ашуласини моҳирлик билан ижро қилгани эса тингловчиларни том маънода қойил қолдирди.

**«Жаҳон» АА**
**Боку**

## 2013 йил — Обод турмуш йили

# БАРЧАМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Оилани асраш – барчамизнинг муқаддас бурчимиз» мавзусида тадбир ўтказилди.***

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий маркази, ҳуқуқ-тартибот идоралари, диний ташкилотлар вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани таъкидланди.

Обод турмуш йилида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг фаровонлигини ошириш, хотин-қизлар ва болаларни соғломлаштиришга оид ишлар кўлами ортди. Айни пайтда ёш оилаларга имтиёзли тарзда уй-жой кредитлари ажратиш, уларни доимий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, оиланинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг тиббий маданияти ва саводхонлигини юксалтиришга оид чора-тадбирлар янада кенгайди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда турли арзимас сабаблар билан ёшлар ўртасида никоҳнинг бекор қилиниши ҳолатлари ҳам учраётгани афсусланарлидир. Бу, аввало, ёшлардан, уларнинг ота-оналари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаолларидан оиланинг жамиятдаги нуфузини оширишдаги бурч ва масъулиятини теран англашни талаб этмоқда.

– Маҳалламизда 8 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди, – дейди пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайз» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Мўминова. – Оилавий ажримларнинг олдини олиш юзасидан изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизлар билан оиланинг муқаддаслиги, жамият олдидаги бурч ва мажбуриятлари, соғлом авлодни шакллантиришда тиббий кўрикларнинг афзаллиги ҳақида мунтазам суҳбатлар ўтказилмоқда. Ота-оналар билан фарзандларининг келажаги учун масъулиятни чуқурроқ ҳис этиши, тўйларни камхарж, ортиқча дабдабасиз, ихчам ўтказиш юзасидан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаётгани ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Тадбирда оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда маҳаллалардаги яраштирув комиссиялари, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада кучайтириш, коллеж ва лицейларда ёшлар билан бу борада суҳбатлар ташкил этиш, бунда тегишли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкентда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

# БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси томонидан ташкил этилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, қатор вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, мутахассислар, экспертлар ва олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида давлат бошқарувини модернизация қилиш ва демократлаштириш, давлат хизмати тизимини такомиллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат бошқаруви соҳасида замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касб малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва демократлаштиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган. Мазкур Концепцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга оид қатор қонунлар қабул қилинди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш борасида изчил ишлар амалга оширилаётир.

БМТнинг «электрон ҳукумат» тараққиёти ҳолати тўғрисидаги ҳисоботида Ўзбекистонда «электрон ҳукумат» жиҳатларини татбиқ қилиш борасидаги ислоҳотлар юксак суръатлар билан амалга оширилаётгани, хусусан, бу борада ҳуқуқий асослар янада ривожлантирилаётгани ва ҳукумат портали такомиллаштирилаётгани алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида қатор ўқув муассасалари ва хорижий ташкилотлар, хусусан, БМТ Тараққиёт дастури билан бошқарув тизимини мустаҳкамлаш ва маҳаллий бошқарув органлари салоҳиятини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш, самарали ва очиқ бошқарув тизимини яратиш борасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

– Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда, – деди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер. – Давлат бошқаруви фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ташкилотимиз фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

Давра суҳбатида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг аҳамияти, давлат хизматлари тизимини такомиллаштириш ва очиқлигини таъминлаш, электрон ҳукуматни ривожлантириш каби мавзуларда маърузалар тингланди. Давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамиятининг роли, давлат хизматларининг инновацион шакллари юзасидан фикр алмашилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**


Отабек Мирсағатов (ЎзА) олган сурат

# ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ УСУЛИ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, яратилган шарт-шароитлар ҳамда эришилган натижаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви мутасаддилари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарув раиси А.Аҳмедов ва бошқалар юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун амалиётга татбиқ этилгани, шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда қабул қилингани оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганлигини таъкидладилар.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда уни юритиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинларида тадбиркорлик фаолияти, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида «Маслаҳат марказлари» ташкил этилган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича 5200 дан ортиқ худди шундай марказлар ташкил этилган бўлиб, улар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари билан биргаликда ёшларни ишга жойлаштириш, ҳунар ўргатиш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда кредит олишлари учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашиб келмоқда.

Маҳаллаларда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятига оид олиб борилган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 20 мингдан ортиқ оилавий тадбиркорлик фаолияти ташкил этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан маҳаллалар ҳудудларида 41 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиш ва уларда 112 мингдан зиёд янги иш ўринларини ташкил этилишида кўмаклашилди. Шунингдек, етти мингдан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳунармандчиликнинг турли йўналишларида фаолият ташкил этилиб, беш мингдан зиёд оилада касаначилик йўлга қўйилди.

Анжуманда маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантиришда фуқаролар йиғинлари олдида турган муҳим вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

# ЗИЁ МАСКАНЛАРИ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

***Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги лойиҳаси доирасида замонавий электрон кутубхона очилди.***

Ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, билим ва тафаккурини юксалтиришда кутубхоналарнинг ўрни беқиёсдир. Ахборот технологиялари тобора такомиллашиб бораётган замонамизда ушбу зиё масканларининг фаолиятини янада кенгайтириш, китобхонлар учун қулай шароитларни яратиш бугунги давримизнинг муҳим талабига айланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Тошкент давлат педагогика университетида очилган янги электрон кутубхонада юздан зиёд компьютерлар ўрнатилган. Уларга жойлаштирилган дарслик, ўқув қўлланмалардан масофадан туриб ҳам фойдаланиш тизими жорий этилган. Ушбу янги электрон кутубхонадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида бу ерда фаолият юритаётган ходимларнинг малакаси оширилди. Янги кутубхонадан бир йўла бир юз эллик нафардан кўпроқ талаба фойдаланиши мумкин. Бу илмга қизиқувчи ёшлар учун катта имкониятдир.

— Илгарилари ўзимизга керакли адабиётларга буюртма бериш учун уларни каталоглардан излашга анча вақтимиз кетарди, — дейди Тошкент давлат педагогика университети тарих факультети талабаси Нилуфар Ҳамзаева. — Шунингдек, кам нусхадаги адабиётлардан фойдаланишда ҳам муаммолар туғиларди. Замонавий компьютерларга бу йўналишдаги барча маълумотлар киритилгани биз учун катта қулайлик бўлди. Эндиликда ўзимизга керакли манбани тезда топиш, бўш вақтимиздан унумли фойдаланиш, шунинг баробарида замонавий технологияларни ҳам чуқурроқ эгаллашимиз учун шароитлар янада кенгайди.

Янги электрон кутубхона Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва жаҳон ахборот ресурс марказларига улангани нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий адабиётлар билан танишишда ҳам катта қулайлик бўлди. Айни пайтда университетнинг ахборот-ресурс марказида мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳамда илмий манбаларни босқичма-босқич электрон шаклга ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Бу эзгу ишлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, йигит-қизларнинг ўзлари танлаган соҳасининг малакали мутахассиси бўлиб етишишига хизмат қилади.

**Моҳинур РАВШАНОВА**

# БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, УЙ-ЖОЙ, МУЛК ВА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

## 15. КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа (кейинги ўринларда болали оилаларга нафақа деб аталади), бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа (кейинги ўринларда бола парвариши бўйича нафақа деб аталади) ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам (кейинги ўринларда моддий ёрдам деб аталади) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш қисмида амал қилиши, корхона ва ташкилотларда ишлаётган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур корхона ёки ташкилотлар маблағлари ҳисобидан нафақанинг ушбу тури тўланаётган оналарга тадбиқ этилмайди.

3. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамнинг тўланадиган миқдорлари қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланади.

Агар нафақа ва моддий ёрдам тўлаш кейинги календарь йилга ўтган тақдирда, нафақа ва моддий ёрдам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йил бошига белгиланган миқдорига мувофиқ белгиланади.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа эса 12 ойга тайинланади, бироқ бола икки ёшга тўлган ойдан кейинги ойга ўтмаслиги керак.

Агар туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ва ундан ортиқ болалар парвариш қилинса, у ҳолда бола парвариши бўйича нафақа кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар бир баравар миқдорда тўланади.

4. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи посёлка, қишлоқ ва овул, шунингдек шаҳарларнинг маҳаллалари фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ёки бундай қарорларни қабул қилиш учун фуқаролар йиғини томонидан ваколат берилган Комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фуқаролар йиғини томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида истиқомат қилувчи обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Комиссияга фуқаролар йиғинининг раиси бошчилик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса унинг бутун ваколати даврига сайланади. Ушбу Комиссия таркиби камида 15 кишидан иборат бўлиши керак.

Комиссия аъзоси ваколатларининг амал қилиши даврида аъзоликдан чиққан тақдирда, фуқаролар йиғини Комиссия аъзоларини қайтадан сайлайди.

Комиссия қарори, унинг йиғилишида тасдиқланган таркибнинг камида учдан икки қисми иштирок этса қонуний ҳисобланади.

5. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қуйидаги асосий тамойилларга амал қилишлари керак:

- ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш;
- кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш;
- давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз даромадларини оширишнинг аниқ имконияти бўлмаган ҳақиқатда эҳтиёжманд оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам бериш;
- нафақалар ва моддий ёрдамни манзилли тарзда тайинлашни таъминлаш йўли билан уларни тўлашга ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;
- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларига айрим оилалар ва фуқаролар томонидан боқимандалик муносабатида бўлиш, ўзининг иқтисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашга интилишга йўл қўймаслик;
- оила аъзоларининг моддий фаровонлиги, болаларни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, маълумоти ва касб даражасини ошириш борасида оиланинг масъулиятини кучайтириш.

6. Фуқаролар йиғини томонидан эҳтиёжманд деб эътироф этилган оила нафақа ва моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга.

7. Қуйидагилар болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тўловларини маблағ билан таъминлаш манбалари ҳисобланади:

маҳаллий бюджетлар маблағлари;

бюджетдан ташқари манбалар (жамоат ва хайрия жамғармалари, корхоналарнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалар).

### II. БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА НАФАҚА, БОЛА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ШАРТЛАРИ

8. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

9. Қуйидагилар болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олишда устунлик ҳуқуқига эга:

ота-онасининг иккисини ҳам йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шуғулланаётган оилалар;

ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар;

14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар);

ногирон боласи (болалари) бўлган оилалар;

болани (болаларни) тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган оналар (оталар). Бунда боланинг амалда тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланишини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи белгилайди;

ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ҳисобда турган оилалар;

ёлғиз пенсионерлар.

10. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг ўзини-ўзи бошқариш органига мурожаат қилган ойнинг кейинги ойидан бошлаб тўланади.

11. Бола парвариши бўйича нафақани келгусида ҳам олишга муҳтожлиги бўлган тақдирда уни олган шахс тўловларнинг аввалги ўн икки ойлик муддати тугашидан бир ой олдин, бола икки ёшга тўлгунга қадар ушбу нафақани узлуксиз тўланишини давом эттириш масаласини ҳал этиш учун белгиланган тартибда фуқаролар йиғинига такроран мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам тўлашнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг ариза берувчи нафақа ва моддий ёрдам тўлашни янги муддатга давом эттирилишини сўраб ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам олиш учун ариза олдинги даврда тайинланган нафақа ва моддий ёрдам тўлаш муддати тугаётган ойдан кейинги ойга берилади. Такрорий мурожаатларни кўриб чиқиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

### III. БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА НАФАҚА, БОЛА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ УЧУН МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

12. Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг доимий яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан оила бошлиғи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзосининг ёзма аризаси асосида, бола парвариши бўйича нафақа эса боланинг онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг аризаси асосида тайинланади.

Алоҳида ҳолларда, оилада муомалага лаёқатли аъзолар бўлмаган тақдирда нафақа ва моддий ёрдам оила аъзоларининг ёзма аризасисиз фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раисининг тақдимномаси бўйича тайинланиши мумкин.

13. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раиси номига берилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича оиланинг таркиби ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ушбу даромадларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа олиш учун болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхалари;

агар болалар васийликка олинган бўлса васийлик ва ҳомийлик органининг қароридан кўчирма.

Бундан ташқари, моддий ёрдамга эҳтиёжмандлик тўғрисидаги аризага, ариза берувчининг хоҳишига кўра, оиланинг эҳтиёжмандлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

14. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдамни олиш истаги бўлган ойдан олдинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай берилади.

15. Нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатдан ўтказиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи котиби томонидан махсус рўйхатга олиш китобига қайд этиш орқали амалга оширилади. Бунда аризани келиб тушиш санаси, ариза берган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзили, илтимоснинг қисқача мазмуни ва фуқаролар йиғини томонидан қарор қабул қилингандан кейин баённома санаси ва рақами кўрсатилган ҳолда қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ ариза ҳамда оиланинг даромадлари миқдори ва таркибини тасдиқлайдиган зарур маълумотномалар берилган кун ариза рўйхатдан ўтказилган кун деб ҳисобланади.

### IV. БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА НАФАҚА, БОЛА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ОЛИШ УЧУН АРИЗАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

16. Ариза берувчининг эҳтиёжмандлиги даражасини аниқлаш ва болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш (рад этиш) тўғрисида хулоса чиқариш учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органида махсус комиссия ташкил этилади, унинг таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси томонидан 12 ой муддатга, камида 5 кишидан иборат этиб тасдиқланади.

Махсус комиссия таркибига ўзини-ўзи бошқариш органи маслаҳатчилари, котиби, ушбу орган ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими, шунингдек, зарурият бўлганда, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ва молия органлари вакиллари киритилади.

Ҳудудида 300 тадан кўп оила яшайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бир неча махсус комиссиялар ташкил этилиши мумкин. Бунда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими ҳар бир комиссияда иштирок этиши шарт.

17. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза уч босқичда кўриб чиқилади.

Биринчи босқичда махсус комиссия ариза берилган санадан бошлаб уч кун муддатда ариза берувчи томонидан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига тақдим этилган маълумотлар асосида оиланинг аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдорини аниқлайди.

Агар оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдори ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган миқдордан кам бўлса, махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини текшириш санасини белгилайди.

Иккинчи босқичда махсус комиссия ариза берилган санадан бошлаб ўн кун муддатда оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини ўрганиб чиқади, шундан кейин тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги хулосани фуқаролар йиғинига ёки Комиссияга киритади.

Учинчи босқичда ариза берилган ойнинг охирги кунидан кечикмай, махсус комиссиянинг хулосаси инобатга олинган ҳолда, ариза тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар йиғини ёки Комиссия томонидан кўриб чиқилади.

### V. ОИЛА АЪЗОСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН ЎРТАЧА ОЙЛИК ЖАМИ ДАРОМАД МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

18. Оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги охирги уч ой учун ҳисоблаб чиқилган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига бўлинган ҳолда аниқланади.

19. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун оила таркибига:

болаларнинг отаси, онаси ёки никоҳдаги ҳар икки ота-онаси (фарзандликка олувчилар);

ота-оналар билан бирга яшайдиган ва уларнинг қарамоғида бўлган болалар, шунингдек ота-оналар билан биргаликда яшайдиган ва ўз оилаларига эга бўлмаган 16 ёшдан катта ёшдаги болалар (шу жумладан фарзандликка олинган болалар);

болаларнинг улар билан биргаликда яшайдиган боболари ва бувилари;

болаларнинг ота-оналари (фарзандликка олувчилар) билан биргаликда хўжалик юритувчи бошқа шахслар киритилади.

Оиланинг биргаликда яшовчи аъзолари таркиби фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан белгиланади.

20. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда инобатга олинадиган оила таркибига қуйидагилар киритилмайди:

нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилган ота-оналарнинг ака-ука ва опа-сингиллари, агар уларнинг ўз оилалари бўлса;

ота-оналари уларга нисбатан ота-она ҳуқуқларидан маҳрум этилган болалар;

тўлиқ давлат таъминотидаги болалар, шунингдек васийликка (ҳомийликка) олинган болалар;

чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ёхуд ҳарбий таълим муассасасида ўқиётганлиги сабабли оилада бўлмаган ота-она (фарзандликка олувчи);

суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш жойларида эканлиги муносабати билан оилада бўлмаган ота ёки она (фарзандликка олувчи).

21. Агар бир уй хўжалигида (бир почта манзили бўйича) болали икки ва ундан ортиқ оилалар яшаган тақдирда, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун бир оила таркибига болаларнинг ота-оналари, шунингдек уларнинг боболари ва бувилари ҳамда болаларнинг ота-оналари билан биргаликда хўжалик юритувчи бошқа шахслар, улар нафақа тайинлашда бошқа болали оилада ҳисобга олинмаган бўлса, қабул қилинади.

22. Ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган оиланинг жами даромадига, оила аъзолари томонидан олинган қуйидаги даромадлар киритилади:

меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар;

мулкий даромадлар;

якка тартибдаги тадбиркорнинг даромади;

чет элда ишлайдиган ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган оила аъзоларидан пул тушумлари суммаси;

пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар (ушбу Низомда назарда тутилган тартибда оила олаётган нафақа ёки моддий ёрдамдан ташқари);

шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинган даромад;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар ҳисобланган сумма бўйича ҳисобга олинади (солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташлангунга қадар).

23. Оиланинг ўртача ойлик жами даромади фуқаролар томонидан ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ тақдим этиладиган оиланинг таркиби ва оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар асосида аниқланади.

24. Агар оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромадлари тўғрисида тақдим этилган маълумотларда даромад суммаси кўрсатилмаган бўлса ёки энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 бараваридан кам сумма кўрсатилган бўлса, у ҳолда оиланинг ўртача ойлик жами даромадини ҳисоблаш учун даромадни нормативдан паст кўрсатган ёки даромади мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаган оила аъзоларининг ҳар бирига нафақа ёки моддий ёрдамга мурожаат қилинган ойда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 бараварига тенг бўлган норматив даромад миқдори қабул қилинади.

Ушбу қоида:

бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши билан банд бўлган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

таълим муассасаларида ўқиётганларга (меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни амалга ошириш ҳоллари бундан мустасно);

ишламайдиган пенсионерларга;

амалда шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш билан банд бўлган оила аъзосига;

туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ишсиз сифатида рўйхатга олинган фуқароларга нисбатан татбиқ этилмайди.

25. Агар тақдим этилган маълумотларда шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинган ўртача ойлик даромад миқдори кўрсатилмаган ёхуд шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинадиган белгиланган норматив даромаддан паст кўрсатилган бўлса, у ҳолда оиланинг жами даромадини аниқлаш учун шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинадиган ойлик даромаднинг норматив миқдори қабул қилинади.

Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинадиган норматив даромад ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган сотихлар сонини нафақа ёки моддий ёрдам сўраб мурожаат қилинган ойда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 0,2 миқдорига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ер участкаси унумдорлиги объектив шарт-шароитларга кўра (сув билан таъминланмаганлик, тупроқнинг шўрланиши ва бошқалар) юқорида кўрсатилган миқдордаги норматив даромад олиш имконини бермайдиган ёки умуман даромад олиш имконини бермайдиган алоҳида ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив даромадга пасайиш томонига тузатиш киритишлари мумкин.

26. Оила даромади ва унинг таркиби ўзгарган тақдирда ариза берувчи шахс бир ойдан кеч бўлмаган муддатда бу ҳақда нафақа ва моддий ёрдам тўлаётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

### VI. ОИЛАНИНГ МОДДИЙ ВА МУЛКИЙ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ

27. Махсус комиссия ариза берувчининг яшаш жойига чиққан ҳолда оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини ўрганиб чиқади.

28. Оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини ўрганиш натижаларига кўра махсус комиссия ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини ўрганиш далолатномасини тузади.

Далолатномада:

ўрганилаётган оиланинг таркиби;

оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлиги тўғрисидаги маълумотлар;

шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаси майдони;

ўрганилаётган оиланинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги даражасини баҳолаш;

тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш бўйича хулоса кўрсатилади.

29. Оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини текшириш натижалари бўйича махсус комиссия болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олишга эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантиради ҳамда уларни ушбу календарь ойи тугашидан камида беш кун олдин кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини ёки Комиссияга киритади.

### VII. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ТОМОНИДАН БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА НАФАҚА, БОЛА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

30. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (Комиссия) томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Агар фуқаролар йиғини иштирокчиларининг (Комиссия аъзоларининг) оддий кўпчилиги қарорни ёқлаб овоз берса у қабул қилинган ҳисобланади.

31. Фуқаролар йиғини (Комиссия) қарори, қоидага кўра, ҳар бир ариза берувчи бўйича алоҳида, унинг иштирокида қабул қилинади. Ариза берувчи узрли сабабга кўра фуқаролар йиғинида (Комиссия йиғилишида) иштирок этмаган тақдирда оиланинг бошқа муомалага лаёқатли аъзоси иштирок этиши шарт. Ариза берувчи ёки ариза берувчи оиласининг бошқа вакили иштирок этмаган тақдирда ушбу оилага тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмайди ва кўриб чиқиш учун кейинги ойга кўчирилади.

Нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида қарор кейинги ойга кўчирилган оилаларга янгидан рўйхатдан ўтиш ва эҳтиёжмандлигини ўрганиш (нафақа ёки моддий ёрдам юзасидан ариза бериш, оила даромадлари ва таркиби тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, даромадлар ва мулкий ҳолатни қўшимча равишда ўрганиш) тартиби талаб этилмайди.

32. Қарор қуйидагиларни акс эттирган ҳолда фуқаролар йиғини (Комиссия йиғилиши) баённомаси билан расмийлаштирилади:

ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

очиқ овоз бериш натижалари;

тайинланган нафақа ёки моддий ёрдамнинг тури ва миқдори;

тўловлар бошланадиган ой ва улар тугайдиган ой;

қарор қабул қилинган сана.

Тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилган тақдирда, ариза берувчига фуқаролар йиғинида (Комиссия йиғилишида) рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда маълум қилинади, бу тўғрида баённомада қайд этилади.

33. Баённома фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланади ва беш кун муддатда ариза берувчига маълум қилинади.

34. Болали оилаларга нафақа тайинланган оилада вояга етмаган болалар сони ўзгарган тақдирда (болалардан бири 14 ёшга тўлган, навбатдаги бола туғилган ва ҳоказо), нафақа миқдори болаларнинг тегишли сонига эга бўлган оила учун белгиланган миқдорларга мувофиқлаштирилади. Бунда янги миқдор бўйича нафақа тўлаш оилада вояга етмаган болалар сони ўзгарган ойдан кейинги ойдан бошланади. Бу ҳолда нафақа миқдорини қайта кўриб чиқиш бўйича фуқаролар йиғини ёки Комиссия қарори талаб этилмайди.

### VIII. БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА НАФАҚА, БОЛА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТЎЛАШ

35. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам фуқаролар йиғини ёки Комиссиянинг қарори баённомаси асосида тўланади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи котиби ҳар ойда ойнинг охирги кунидан кечикмай, фуқаролар йиғинининг (Комиссиянинг) қарори баённомаси асосида олувчининг фамилияси, паспорт рақами, шунингдек тўланиши керак бўлган суммани кўрсатган ҳолда тегишли нафақа ва моддий ёрдам тўлашга ведомость тузади. Ведомостлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раисининг имзоси ва муҳр ҳамда ушбу орган ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимининг имзоси билан тасдиқланади.

Нафақа ва моддий ёрдамнинг ҳар бир тури учун алоҳида уч нусхада ведомостлар тузилади.

36. Белгиланган тартибда тўлдирилган ва тасдиқланган ведомостлар тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинланган ойнинг 5-санасигача бўлган муддатда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг молия бўлимларига (кейинги ўринларда туман (шаҳар) молия бўлимлари деб аталади) юборилади.

Тақдим этилган ведомостлар барча уч нусханинг ҳар бир варағига тасдиқловчи имзолар ва тегишли штамп қўйилган ҳолда туман (шаҳар) молия бўлимининг масъул ходими томонидан текширилади.

37. Тайинланган, аммо ўз вақтида талаб қилиб олинмаган (тўланмаган) болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ўтган давр учун бир вақтнинг ўзида тўлиқ миқдорда тўланади.

38. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тўлаш:

- тўловнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган;
- болалар болали оилаларга нафақа ва бола парвариши бўйича нафақа олиш ҳуқуқини истисно этувчи ёшга тўлган;
- бола парвариши бўйича нафақа олувчи она ишга чиққан;
- доимий яшаш жойи ўзгарган;
- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг ушбу тўловларга эҳтиёжмандлиги йўқлигидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган;
- фуқаролар йиғинининг (Комиссиянинг) тегишли тўловларни тайинлаш тўғрисидаги қарорига таъсир кўрсатган бузилган ва ишончсиз маълумотлар аниқланган ҳолларда тўхтатилади. Ушбу ҳолатда асоссиз тўланган маблағ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг тегишли ҳисоб рақамига қайтарилиши керак.

Тўловларни тўхтатиш, тўловнинг белгиланган муддати тугаган ёки болалар тегишли ёшга тўлган ҳоллардан ташқари (бола парвариши бўйича нафақа учун икки ёш, болали оилаларга нафақа учун 14 ёш), фуқаролар йиғинининг (Комиссиянинг) тегишли баённомаси билан расмийлаштирилган қарори асосида амалга оширилади.

39. 16 ёшгача (ўқувчилар 18 ёшгача) болалари бўлган оилаларга 2012 йил 1 декабргача тайинланган болали оилаларга нафақаларни тўлаш 16 ёшгача (ўқувчилар 18 ёшгача) болалар ҳисобга олинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўловнинг белгиланган муддати тугагунга қадар бутун даврда давом этади.

Тўлови 2013 йилнинг январь ойидан бошланадиган болали оилаларга нафақа миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади, бунда фақат 14 ёшгача бўлган болалар инобатга олинади.

2012 йилнинг 1 декабригача ва 1 декабридан кейин тайинланган болали оилаларга нафақа миқдори ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ тартибда ҳисоблаб чиқилади.

### IX. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

40. Тегишли нафақалар ва моддий ёрдамни тўлаш Халқ банкининг бўлинмаларида (филиалларида) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус банк ҳисоб рақамларига ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг тегишли иқтисодий таснифи бўйича акс эттирилган ҳолда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Нафақа ва моддий ёрдамнинг ҳар бир тури учун алоҳида махсус банк ҳисоб рақамлари очилади.

Халқ банки муассасалари ҳар ойда жорий ойнинг охиригача бўлган муддатда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органини махсус банк ҳисоб рақамларидаги қолдиқлар, шу жумладан жорий ой учун, шунингдек ҳисобот йили бошидан бошлаб тушумлар суммалари ва амалга оширилган харажатлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

41. Туман (шаҳар) молия бўлими маблағларни ведомостлар бўйича тайинланган суммалар доирасида, бироқ бюджетда назарда тутилганидан ортиқ бўлмаган, нафақалар ва моддий ёрдам тўлашга тегишли бюджетнинг ғазначилик шахсий ҳисоб рақамини кўрсатган ҳолда, тўлов амалга ошириладиган ойнинг 5-санасидан бошлаб, бироқ ойнинг 25-санасидан кечикмай ҳар бир фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг махсус ҳисоб рақамларига алоҳида тўлов топшириқномалари орқали Ягона ғазначилик ҳисоб рақамидан ўтказади. Бунда ведомостлар бўйича қисман молиялаштириш тақиқланади.

Маблағларни туман (шаҳар) молия бўлимларининг Ягона ғазначилик ҳисоб рақамидан ўтказиш ғазначилик бўлинмалари томонидан, белгиланган тартибда амалга оширилади.

42. Ҳар бир нафақа ва моддий ёрдам бўйича ведомостнинг бир нусхаси туман (шаҳар) молия бўлимида қолади. Маблағлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилгандан кейин тасдиқланган ведомостларнинг иккинчи ва учинчи нусхалари молия органлари томонидан тегишли фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига тақдим этилади.

43. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маблағлар уларнинг ҳисоб рақамларига тушгандан кейин ведомостларнинг иккинчи ва учинчи нусхаларини тўлов топшириқномалари билан бирга нафақани тўлаш учун Халқ банкининг хизмат кўрсатувчи бўлинмаларига (филиалларига) тақдим этилади.

44. Ойнинг охирги иш кунида ведомостлар ёпилади, тайинланган, аммо ўз вақтида талаб қилиб олинмаган нафақа, нафақа олувчининг номига махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказилади ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади. Ёпилган ведомостнинг учинчи нусхаси фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига тақдим этилади. Тўлов нафақа ва моддий ёрдам олувчининг яшаш жойи бўйича Халқ банкининг бўлинмалари (филиаллари) томонидан амалга оширилади.

45. Кўзда тутилган бюджет маблағларини вилоятнинг туманлари (шаҳарлари) ўртасида тақсимлаш Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудида яшовчи оилалар муҳтожлигини, ушбу оилаларнинг таркиби ва олдинги даврларда ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши (фойдаланилиши) даражасини инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

46. Кўзда тутилган бюджет маблағларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига тақсимлаш туман (шаҳар) молия бўлими томонидан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан биргаликда эҳтиёжманд оилалар сонини ҳисобга олинган ҳолда, молиялаштиришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, амалга оширилади.

47. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими билан биргаликда ҳар ойда ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисида ҳисобот тузилади ҳамда у ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасигача бўлган муддатда туман (шаҳар) молия бўлимига ва туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилади.

48. Туман (шаҳар) молия бўлимлари ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасигача ҳисоботларни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кесимида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига тақдим этадилар, улар ойнинг 20-санасигача ҳисоботларни тегишлича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тақдим этадилар.

49. Бир йил мобайнида олувчилар томонидан (вафот этганлиги, яшаш жойи ўзгарганлиги ва моддий ёрдам олувчининг айби билан бошқа сабабларга кўра) талаб қилиб олинмаган маблағлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳисоб рақамларига тикланиши керак.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларидаги фойдаланилмаган пул маблағлари қолдиғи олиб қўйилмайди ва навбатдаги даврда нафақалар тўлаш учун йўналтирилиши керак.

### X. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

50. Ажратиладиган бюджет маблағларининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, шунингдек унинг жойлардаги органлари томонидан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар чоракда текшириш йўли билан амалга оширилади.

51. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлашнинг асосланганлигини назорат қилиш ҳар бир фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимига назорат функцияларидан ташқари:

- эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш, уларга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш бўйича ишларни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини- ўзи бошқариш органига кўмаклашиш;
- ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш;
- заруриятга кўра, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раисининг мурожаати бўйича, ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ ариза берувчилар томонидан тақдим этилган оиланинг таркиби ва оила аъзоларининг даромади тўғрисидаги маълумотларни жойлашган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига мурожаат қилиш йўли билан текшириш;
- фуқаролар йиғини ёки Комиссия қарори ушбу Низом билан белгиланган нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартибига мувофиқ бўлмаган тақдирда унинг юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш юкланади.

52. Шахсий жавобгарлик:

- бюджет маблағларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларига тўлиқ ва ўз вақтида ажратилиши учун - туман (шаҳар) молия бўлими раҳбари зиммасига юкланади;
- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартиби ижро этилишини таъминлаш ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раиси зиммасига юкланади;
- нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашнинг белгиланган тартибига риоя этилиши назоратини таъминлаш учун ушбу фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг ходими зиммасига юкланади;
- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи махсус ҳисоб рақамларидан маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш учун Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлинмаси (филиали) раҳбари зиммасига юкланади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги** тел.: 239-05-52.
**Тошкент шаҳар прокуратураси** тел.: 1007, 271-12-26.
**Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси**
**Тошкент шаҳар бўлими** тел.: 236-22-84, 233-84-97, 233-02-46

**Наргиза СУЛТОНОВА,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими прокурори**

***Интернет узоқни яқин қилиш, вақтни тежаш, ахборот олиш ва тарқатиш майдонининг кенглиги, ўзида матн, овоз, тасвир мавжудлиги, таълим жараёнида масофавий ўқитиш ва одамларнинг билимга бўлган эҳтиёжини қондириш, инсонларнинг мулоқот жараёнида янги дўстлар топишини осонлаштириш ва ҳоказо имкониятлари билан барчага беминнат кўмакчи вазифасини ўтаб келмоқда.***

# ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ ВА ИНТЕРНЕТ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида ўтказилган навбатдаги давра суҳбати «Интернет – глобал тармоқ: унинг имкониятлари ва таълим тараққиётидаги ютуқлари» мавзуига бағишланди. Унда «ZiyoNET» ахборот таълим порталининг олий таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш бўлими, Ахборот-ресурс бўлими мутахассислари ва пойтахтимиздаги мавжуд 27та олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлари бўйича бўлим бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг веб сайтлари ташкил этилган бўлиб, ўтказилаётган тадбирлар бу сайтларда мунтазам ёритилмоқда. Сайтларга жойлаштирилаётган маълумотлар долзарблигидан келиб чиққан ҳолда ёш авлодга ахборотни тўғри идрок этишга ўргатиш талаб этилмоқда.

— Интернетнинг ахборот майдони кун сайин кенгайиб, ахборот манбалари тез-тез янгиланиб туради, — дейди «ZiyoNET» ахборот таълим порталининг етакчи мутахассиси Лаълихон Каримова. — Хусусан, бизнинг порталимизда таълим, муассасалар, арбоблар, чет тили, абитуриент каби ўнга яқин бўлимлар мавжуд бўлиб, бунда ёшлар дунёқарашига чуқурроқ ёндашиш, ахборотнинг кескин тиғизлашуви даврида ахлоқ билан боғлиқ масалалар ҳамда ахборотни сохталаштириш орқали омма психологиясини бошқарадиган ахборий макон яратувчи, ҳиссиётини манипуляция қилувчи механизмлар, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи ахлоқий бузуқликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, Интернетдаги аксарият ахборотлар ёшлар онгига таъсир қилаётганлиги ва ҳозирги кунда долзарб муаммога айланиб бораётганлиги ҳамда миллий сайтларимизда миллий менталитетимизни ёшлар онгига сингдириш кераклиги хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир сўнгида мавзу юзасидан баҳс-мунозаралар ўтказилди. Иштирокчи ходимлар веб-сайтларга жойлаштирилаётган ахборотларнинг мақсад вазифалари ҳақида кенг тушунчага эга бўлишди. Тадбир жараёнида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига тўлиқ жавоб олишди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси**

## Спорт янгиликлари

# КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ?

***Мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида ўтказилган 25-тур баҳсларидан сўнг ҳам қайси команда чемпион бўлиши сўроқ остида қолди.***

Ушбу турнинг марказий учрашуви Қарши шаҳрида ўтказилди. Унда совринли ўринлардан бирига астойдил даъвогарлик қилаётган «Насаф» жамоаси Ўзбекистон Кубоги соҳиби «Бунёдкор» командасини қабул қилди.

Шуниси эътиборлики, агар ушбу баҳсда Миржалол Қосимов шогирдлари ғалабага эришишса жорий йилги мавсумда яна чемпион бўлишарди. Агар «Насаф» ўз майдонида «Бунёдкор» устидан зафар қучса, бу жамоада ҳам чемпионлик учун янада дадил курашиш имконияти пайдо бўларди. Шу туфайлими, баҳс ниҳоятда қизиқарли ва кескин курашлар остида кечди. Бироқ майдон эгалари томонидан тошкентликлар дарвозасига 30-дақиқада пенальтидан Геворген томонидан киритилган ягона гол «Бунёдкор»ни муҳим уч очкодан маҳрум этди.

Шунингдек, карвонбоши бўлган «Бунёдкор»ни изма-из таъқиб қилиб келаётган «Локомотив» Тошкентда Наманганнинг «Навбаҳор» командасини қабул қилди. Ўйинда ҳар томонлама тўлиқ устунликка эришган «Локомотив» жамоаси учрашувни йирик 3:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этиб, очколари сонини 57 тага етказди ва иккинчи ўринда бормоқда. «Локомотив»га ғалаба келтирган голларни дарвозага Тўхтахўжаев (2 та), Холматов йўллашди.

Турнир жадвалида тўртинчи ўринда бораётган амалдаги чемпион «Пахтакор» ўз майдонида Ғузорнинг «Шўртан» жамоаси билан куч синашди. Учрашувни кўтаринки руҳда ўтказган Мурод Исмоилов шогирдлари меҳмонларни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди ҳамда совринли ўринлардан умидвор эканликларини исботлашди. Ушбу ўйинда рақиб дарвозасини уч марта аниқ нишонга олиб, жамоаси ғалабасига муҳим ҳисса қўшган ҳужумчи Темур Абдуҳолиқов «хет-трик»ка эришгани таҳсинга сазовор.

Қолган беллашувлар қуйидагича якунланди: «Гулистон» — «Динамо» — 0:2, «Қизилқум» — «Олмалиқ» — 4:2, «Сўғдиёна» — «Бухоро» — 1:1, «Металлург» — «Нефтчи» — 0:0.

Ўтказилган 25-турдан сўнг турнир жадвалини «Бунёдкор» 58 очко билан пешқадам сифатида бошқариб турибди. Шу кунгача 57 тадан очко жамғарган «Локомотив» ва «Насаф» жамоалари иккинчи, учинчи ўринларда боришмоқда. Тўртинчи ўринда бораётган «Пахтакор» ҳисобида эса 53 очко бор.


Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

***Келгуси йили 22 ёшли чарм тўп усталари ўртасида футбол бўйича уюштириладиган Осиё чемпионатига Уммон мезбонлик қилади.***

# ҲАКАМЛАРИМИЗ УММОНГА БОРИШАДИ

Маълумки, ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси ҳам иштирок этади.

Бундан ташқари Осиё футбол конфедерацияси мутасаддилари қарорига кўра ушбу нуфузли мусобақада ўзбекистонлик реферилар Фарҳод Абдуллаев ҳамда Жаҳонгир Саидов ҳам учрашувларни ҳакам сифатида бошқаришади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Мутахассис маслаҳати

# ҲАМИША ҲАРАКАТДА БЎЛАЙЛИК

***Қандли диабет касаллиги бугунги кунда даволаниши катта харажатларга олиб келадиган энг кўп тарқалган сурункали касалликлардан бири бўлиб, ҳар бир юртнинг соғлиқни сақлаш тизимида ўзига яраша нохушликлар туғдиради. Ер юзида охирги 20 йил давомида қандли диабет билан оғриган беморларнинг сони 6 баробар ошган.***

Нотўғри ҳаёт тарзи: тўйиб овқатланиш, асабийлашиш, кам ҳаракатчанлик натижасида келиб чиқадиган семизлик қандли диабет билан касалланиш эҳтимолини оширади.

Ўзбек халқига хос бўлган урф-одатлар, ўзбекона меҳмондўстлик, бағрикенглик натижасида ҳар бир байрам ва тантана тўкин-сочин дастурхон атрофида ўтказилади. Халққа ош берилади, ноз-неъматлар тортилади. Ота-боболаримиз бундай овқатларни истеъмол қилгач, дала-даштларга пиёда кетишган, кечгача далада ер чопишган, экин суғоришган ва теришган. Ҳозирги замонавий ҳаётимизда эса, биз ҳам шундай овқатланиб, автомобиль ёрдамида иш жараёнини олиб борамиз. Ундан ташқари, истеъмол қиладиган маҳсулотларимиз сафи кенгайиб, юқори калорияга эга бўлган, тез сингувчи маҳсулотлар кенг тарқалмоқда. Бундай нотўғри овқатланиш ҳисобига ошқозон ости бези доимий босим остида бўлиб, ундан ишлаб чиқарилаётган инсулин миқдори камаяди, тўқималарда глюкозани қабул қилиш жараёни ўзгаради. Бунинг натижасида қонда глюкоза миқдори ошиб, организм ортиқча глюкозани сийдик орқали чиқаришга ҳаракат қилади, шунинг учун тез-тез сийиш кузатилади. Беморда чанқаш ҳисси пайдо бўлади, тери ва шиллиқ қаватларда қуриш пайдо бўлади, доимий ҳолсизлик безовта қилади, озиш кузатилиши мумкин.

Бу белгилар ўзингизда ёки яқинларингизда кузатила бошласа қондаги қанд миқдорини текширишга шошилинг. Агар қондаги қанд юқорилиги аниқланса, эндокринолог шифокор сизга қандли диабет касаллиги билан тўғри яшаш тарзини тушунтиради. Қандли диабет касаллиги билан курашда дори маҳсулотлари ҳамда шифокорнинг ҳаракати етарли эмас. Бу касалликда асосий ҳаракат бемор томонидан бўлиб, парҳезга амал қилиш ва жисмоний ҳаракатни ошириш қондаги қанд миқдорининг камайишига ва қандли диабет келтириб чиқарадиган асоратларнинг олдини олишга ёрдам беради. Қандли диабет билан оғриган касаллар фақатгина ширинликларни, ҳайвон ёғларини ва осон сингувчи углеводларни истеъмол қилишни камайтирсалар кифоя.

Ўзбекистонда қандли диабет касаллигининг олдини олиш учун ҳар йили ноябрь ойида эндокринологлар томонидан диабет ойлиги ўтказилади.

Ўзингизни ва яқинларингизни қандли диабет касаллигидан эҳтиёт қилиш учун оддий қоидаларга амал қилиш кифоя: тўйиб овқатланмаслик, ёғли овқатларни ва ширинлик маҳсулотларини чегаралаш, сабзавот маҳсулотлари ва мевалардан кўпроқ истеъмол қилиш, чекишга йўл қўймаслик, алкоголь ичимликларни чегаралаш, жисмоний ҳаракатларни кўпайтириш керак. Тренажёр ёки фитнес залларига, бассейнга бориш жуда фойдали, лекин сизнинг шароитингизга тўғри келмаса, кунига 2000 метр масофани пиёда юринг. Фарзандларингиз билан шаҳримизнинг гўзал манзараларидан баҳраманд бўлинг.

**Азиза ЮНУСОВА,**
**шаҳар эндокринология диспансери Ташкилий-услубий бўлимнинг мудири**

Коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлайлик!

# АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

***Барчамизга яхши маълумки, ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари – сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланамиз. Турмушимизга чуқур сингиб кетган ва фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омил бўлган мазкур неъматлар соҳа ходимларининг заҳматли меҳнатлари ва катта маблағлар эвазига етказиб берилади.***

Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик, тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида «Ҳисобли дўст айрилмас» нақлига амал қилган ҳолда фойдаланилган иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик қуввати, табиий газ, электр энергияси ҳамда кўп қаватли уйларда фойдаланиш харажатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Зеро, тежамкорлик – катта бойлик, демакдир. Юқоридаги неъматлардан керагича — омилкорлик билан фойдаланиш қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сарфласак, қоидабузарлик ва ўзбошимчалик билан уланишларга йўл қўймасак хизмат сифатига ва самарадорлигига ҳисса қўшган бўламиз, тўловларимиз эса эртага ўзимизга намунали хизмат сифатида қайтади.

Шу ўринда, сиз қадрли истеъмолчиларга шуни эслатиб қўймоқчимизки, мазкур коммунал хизматлар юзасидан бирорта муаммо туғилса, носозлик ва авария ҳолатлари рўй берган тақдирда қуйидаги телефонлар орқали соҳа ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

- **Коммунал хўжалиги бўйича туну кун фаолият кўрсатувчи диспетчерлик хизмати — 1055**

### «ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
Учтепа — 274-44-34
Бектемир — 295-14-43
Миробод —254-15-61
Мирзо Улуғбек — 267-19-47
Олмазор — 248-35-48
Сергели — 258-84-33
Ҳамза — 296-39-61
Чилонзор — 278-09-99
Шайхонтоҳур — 242-39-26
Юнусобод — 212-25-52
Яккасарой — 255-49-59

### ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий диспетчерлик хизмати — 233-77-53, 233-78-46
Учтепа — 274-14-81
Бектемир — 295-10-66
Миробод — 291-15-92
Мирзо Улуғбек — 267-58-15
Сергели — 258-38-60
Олмазор — 242-46-95
Шайхонтоҳур — 278-87-11
Ҳамза — 291-87-83
Чилонзор — 271-13-63
Юнусобод — 225-00-65
Яккасарой — 250-19-67

### Аҳоли диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14 манзилида жойлашганлиги маълум қилинади.


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Саноат корхонаси ишлаб чиқариш жараёнида тажрибаси бўлган

— 4-6 тоифали электр монтажчилар;
— 4-6 тоифали электрикларни доимий ишга қабул қилади.

Иш ҳақи 2 миллион сўм ва ундан юқори.

Корхона ишчиларини хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминлайди. Иш ҳақи ўз вақтида тўланади.

Мулоқот учун телефонлар: (90)352-36-05, (90)982-56-44, (93)172-44-07, (90)167-17-58

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQARISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI




ISHONCH TELEFONI: 233-09-39

«ELGA XIZMAT TOSHKENT ULGURJI» МЧЖГА ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. **Директор муовини** Молия ёки иқтисод йўналиши бўйича олий маълумотга ҳамда ташкилотчилик қобилиятига эга, раҳбар лавозимларда 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга 30-40 ёшлардаги ходимларни.
2. **Экспедитор** Молия ёки иқтисод йўналиши бўйича маълумотга эга, «B», «C» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши, 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга 25-35 ёшдагиларни.
3. **Бош муҳосиб, бош муҳосиб муовини, муҳосиб** Молия ёки иқтисод йўналиши бўйича билимга эга, 3 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажи, 1 С программаси бўйича ишловчиларни.
4. **Бош механик** Олий ёки ўрта-махсус техник билимга эга 30-40 ёшлардаги, 3 йиллик иш стажига эгаларни.
5. **Турли ишларга** 20-35 ёшдагиларни.
6. **Қўриқлов хизматчиси** лавозимларига танлов асосида ишга қабул қилинади.

Танловда Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий рўйхатда турувчи ҳамюртларимиз иштирок этишлари мумкин.

*Мурожаат учун телефонлар:*
*Тел: 295-96-52.*
*Факс: 295-98-04.*

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«JCD» Trans Reklama МЧЖ ҚКнинг қайта тузилиши ва унинг таъсисчилари таркибидан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, «Тошкент метрополитени» ДУК ва «Йўловчитранссервис» ЯХТМнинг алоҳида янги жамият бўлиб чиқиши муносабати билан ўз низом жамғармасини 743905000 сўмдан 371952500 сўмга камайишини маълум қилади (МЧЖ ҚК таъсисчиларининг 05.11.2013 йил 7-баённомаси асосида). Мурожаатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой ичида 233-11-29 телефон рақами ёки Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 93-а уй манзили бўйича қабул қилинади.


ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **7 ноябрь** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи — 14-16 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **7 ва эртаалаб 8 ноябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1141

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 8594 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ


1 2 3 4 5